



АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИДА АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20127742>

Тошкент давлат аграр университети

“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси.

Саломов Элмурод Эргашевич

Анатгация: Ушбу мақола Амир Темур ва Темурийлар даврида солиқ тизими ва қишлоқ хўжалигисоҳога оид маълумотлар бирламчи манбалар асосида акс эттирилган.

Таянч сўзлар: Давлат ерлари, суюрғол ерлар, бегор, молу жиҳот, шилон пули, ихрожат, хонмушар, пешкаш, жон солиғи, қўналга, бож.

Мустақиллик йилларида Ватан тарихини ўрганиш ва уни келажак авлодларга етказиш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Биламизки, ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур ва темурийлар даври маданияти ва бошқаруви тизимини ўрганиш ҳамма замонларда ҳам долзарб аҳамият касб этади. Амир Темур солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари унинг фарзандларига сиёсий васияти бўлмиш «Амир Темур тузуклари» да ифодаланган бўлиб, унинг солиқ сиёсати хусусиятларини қуйидаги фикрлари орқали ифодалашимиз мумкин: «Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак.

Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса

сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади».

Амир Темурнинг солиқ тизими маҳаллий иқтисодий фаолиятларни тўлиқ заифлаштирмасдан, даромадларни энг юқори даражага чиқариш учун диққат билан ташкил этилган эди. Солиқлар ер, савдо ва бошқа иқтисодий фаолиятлардан олинган. Солиқ ставкалари ҳар бир худуднинг ишлаб чиқариш қуввати ва ресурсларига кўра белгиланган.

Амир Темур бу тур амал ва чоралар орқали империянинг умумий эҳтиёжлари билан ерларидаги иқтисодий барқарорлик ўртасида мувозанатни яратган. Марказий ёндашув ресурсларни бошқариш учун ҳам қўлланилган. Амир Темур қишлоқлар ҳамда шаҳарлар иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун товарлар ва меҳнатнинг адолатли



тақсимланишига алоҳида аҳамият берган.

Амир Темур томонидан тузилган самарали марказий бошқарув йўллари, карвонсаройлар ва суғориш тизимлари каби йирик лойиҳаларнинг амалга оширилишини осонлаштирган. Бу лойиҳалар нафақат иқтисодий самарадорликни оширган, балки империя худудлари орасидаги интеграцияни ҳам кучайтирган.

Амир Темур солиқлар ва ресурслар устидан назоратни марказлаштириб, иқтисодий тизим самарадорлигини оширган. Бу ҳолат ҳарбий харажатларни молиялаштириш билан бирга, маданий меросни ҳам сақлаб қолишга хизмат қилган.

Асарда солиқларни ҳисоблаш қоидалари ҳам ишлаб чиқилган: «Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинадиган ҳосилдан икки ҳиссасини раиятга, бир ҳиссасини олий саркорлик (салтанат хазинаси) учун олсинлар. Лалмикор ерларни эса, жарибларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан (солиқ олишда) учдан бир ва тўртдан бир қоидасига амал қилсинлар»⁵.

Амир Темур фармойишига биноан солиқ ундириш ишлари раҳм-

шавқатга асосланган бўлиши лозим: «Амр қилдимки, ҳосил пишиб этилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил этилгач, ҳосилни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиш, ишни уриш-сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар. Яна буюрдимки, хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш, қўрқитиш ва тушунтириш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздур».

Шунингдек, Амир Темурнинг юқоридаги фикрларидан кўришимиз мумкинки, солиқ ундириш солиқ тўловчиларнинг муайян мол-мулкка эга бўлганида, яъни ҳосил олганидан кейин ундирилган. Шунинг билан биргаликда солиқларни ундириш харажатларини камайитиришга ҳам ҳаракат қилинган, яъни солиқ тўловчилар солиқни ўз вақтида олиб келсалар солиқ ундирувчи юборитаъқиқланган. Солиқ йиғишда кўпроқ тушунтириш, огоҳлантириш ва қўрқитиш каби йўллардан фойдаланилган. Бу даврда ердан олинадиган солиқнинг асосий тури

⁵ Амир Темур тузуқлари. – Т.: Чўлпон, 1991. – Б. 89.



хирож ҳисобланган. Бу солиқмахсулот ёки пул билан олинган. Унинг ҳажми ҳосилнинг ярим миқдоригача борган.

Ҳосил тўла пишиб этилмасдан солиқ тўплаш қатъиян ман этилган. Солиқлар ҳокимият томонидан белгилаб қўйилган уч муддатда: саратон (июн-июль), сумбула-мезон (август-сентябрь) ва қавс (ноябрь) ойларида тўпланар эди. Солиқлардан ташқари зироаткор аҳоли ҳукмдор ва унинг маъмурлари, суюрғол эгалари ва тархонлар, шунингдек. йирик мулкдорлар фойдасига муайян муддат текин ишлаб берардилар. Ҳарбий юришлар даврида мағлуб этилган аҳолидан сари шумор (жизя) солиғи олинган. Давлат хавф остида қолиб ҳарбий сафарбарлик эълон қилинган пайтларда фавқулодда солиқ - аворизот йиғиб олинган. Мамлакат худудидан чопар ёки элчилар ўтаётганда, зарурат туғилганда, аҳоли уларга от-улов топиб бериши лозим бўлган.

Темурийлар даврида қурилиш ишлари кенгайиб, бу даврда қад кўтарган сарайлар, жамоат бинолари, мудофаа, суғориш иншоотлари, йўл қурилиши ва тузатишларида меҳнаткаш аҳоли кучидан кенг фойдаланилган. Бундай ҳашар ишлари беғор деб аталган. Мазкур ишлар жараёнида миробона, доруғона солиқлари ундирилган. Шундан ташқари аҳоли солиқ йиғиш ва унинг ҳисоб-китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурларнинг хизмати учун ҳам бир қатор йиғимлар тўлаган.

Масалан, ҳосил миқдорини белгилайдиганларга соҳиби жамоно; солиқ йиғувчиларга мухассилона; киримни бошқарувчиларга зобитона; доруғаларига доруғона; сув тақсимловчи мироблар фойдасига миробона кабилар тўланган⁶.

Бу даврда боғ ва дарахтзорлардан танобона, мол сардарахт, ёйловлардан мол ўтлоқ ва сувлоқ каби солиқлар олинган ва уларни тўплашда анъанавий тартиб-қоидаларга амал қилинган. Чорва молларидан қирқдан бир миқдорда закот солиғи олинган. Чегара худудларида божхоналар бўлиб, четдан келадиган савдогарлардан маълум миқдорда бож ундирилган. Маҳаллий савдогарлар эса тағжой солиғи тўлаган.

Юқоридаги солиқлардан ташқари фавқулодда солиқлар ҳам амал қилган бўлиб, уларга:

- **молу жиҳот** – ер солиғининг бир тури бўлиб, пул ёки натура тарзида тўланиши мумкин;
- **ихрожат** – сарайларга қараш учун махсус йиғим;
- **бож** – савдогарлардан чегарани кесиб ўтганда ундириладиган божхона солиғи;
- **хонмушар** – ҳар бир хонандондан олинадиган йиғим;
- **қўналға** – элчи, амлдорлар, чопарларни бепул қабул қилиш ва меҳмон қилиш йиғими;

⁶Soliq nazariyasi: O'quv qo'llanma / Mual.: A. Jo'rayev, O. Meyliyev, G'. Safarov. – T.: Toshkent moliya instituti, 2004. – B. 10.



• **шилон пули** – ноибларни зиёфат қилиш учун йиғим;

• **жон солиғи** – жон бошидан йилда бир марта тўланадиган солиқ;

• **пешкаш** – юқори мансабдаги амлдорларга совға бериш учун йиғимлар.

Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган катта хизматларидан бири давлат бошқарув тизимининг мукамал намуналарини қайта тиклаш билан чекланмасдан, замон талабларини кўзда тутган ҳолда янги усулларни жорий қилишдир. Унинг стратегиясида инсонпарварликка асосланган мукамал жамият қуриш ғояси марказий ўрин тутди. Унга қадар хазинани идора қилиш фақат даргоҳ тамойилига асосланган бўлса, у даргоҳ ва вазирлик тамойилларини қўшиб олиб борди.

Хазина даромадлари **солиқли ва солиқсиз даромадларга** ажратилди. Хазина харажатлари таркибидан ободончилик, ижтимоий-маданий, шу жумладан фан, маданият, ижтимоий таъминот харажатларининг ҳиссаси ортиб борди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан мустаҳкамланиши, унинг халқаро мавқеини оширишда фаол таъсир кўрсатди.

Амир Темур Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантиришга, фан ва маданиятни кўтаришга уринган бўлса-да, шафқатсиз тўлқинлар у ташкил этган буюк салтанатни

парчаланишига, пароканда бўлишига олиб келди. Унинг вафотидан сўнг авлодлари ўртасида тахт учун кураш узоқ давом этиб, шаҳзодалар орасида олиб борилган кураш ўлканинг молия-солиқ тизимига таъсир кўрсатмай қолмади. Ҳарбий харажатлар кўпайиб боргани сари унинг манбаи ҳисобланган солиқ тизими издан чиқди⁷.

XV аср давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда аввалгидек ер мулкчилигининг асосан тўрт шакли бўлган⁸.

1. **Мулки девоний** – давлат ерлари;

2. **Мулк** – хусусий ерлар;

3. **Мулки вафқ** – мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар;

4. **Жамоа ерлари**.

Дехқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга, аввалгидек, мамлакат ҳукмдори **султон ёки амирлар** эгалик қилган. Темурийлар даврида давлат ерларини **суюрғол** тарзида ином қилиш ҳам кенг тарқалган. Суюрғол ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ярликқа эга шахслар табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда, шаҳар ёки вилоятдан то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида ином этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоят кўпинча ҳукмрон сулола

⁷Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи – Т.: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 292.

⁸Soliq nazariyasi: O'quv qo'llanma / Mual.: A. Jo'rayev, O. Meyliyev, G'. Safarov. – Т.: Toshkent moliya instituti 2004. – В. 11.



намояндалари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган.

Амир Темур даврида ҳамда унинг ворислари даврида суюрғолларни улушлаш амалиёти кенг тарқалди. Марказий ҳокимият вакиллари – Шоҳрух, Улугбек, Абу Саид, Султон Ҳусайн ёки улусларни бошқарган шахзодалар уларга мерос тариқасида эгаллик қилиш учун уларни тақсимлашган. Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амлдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳрух даврида:

- Хоразм – Шоҳ Малик;
- Фарғона – Мирзо Аҳмад;
- Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон – Бойсунғур;
- Қобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари – Мирзо Қайду Баҳодирнинг суюрғоли эди.

Суюрғол ярлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номига боқий бўлиб, одатда улар деярли мустақил эди. Суюрғол эгалари тобе бўлишини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан ҳақ-ҳуқуқини чеклаб қўяр эди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳуқуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга берган.

Темурийлар даврида деҳқончилик майдонларининг иккинчи каттагина қисми **хусусий ерлардан** иборат бўлиб, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зироатчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк қаторига кирган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган. Бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларга бирон хизмати учун **тархонлик ярлиғи** бериш кенг тарқалган. Тархонлик ярлиғини олган мулкдорлар асосан барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ярлиғи одатда амирлар, беклар, сарай амлдорлари, саййидлар ва бошқа юқори табақа вакилларига берилар эди. Бундай ярлиқни олган мулкдор номига **тархон** сўзи қўшиб айтилади.

Улугбек даврида Самарқанд яна раванқ топди. Бу даврда санъат ва илм-фан ривожини учун шунчаки катта ишлар қилиндики, бу даврни «Самарқанднинг олтин даври» деб атай бошлашди. У солиқ сиёсатида деҳқонлардан олинадиган солиқларни камайтирди ва деҳқонлар фаровонлигини ошириш имкониятини яратди. Тушумларнинг қисқаришини эса тамға – хунарманд ва савдогарлардан олинадиган йиғимни кўпайтириш ҳисобига тўлдирди⁹.

⁹ Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва Темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1994. – Б. 65.



Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Амир Темур янги ерларни ўзлаштирганлар, ташлаб кетилган ерларга ишлов берганлар, чўлга сув чиқариб, обод қилганларни маълум муддат солиқдан озод қилган. Шунинг учун катта-катта шаҳарларнинг аҳолисини бир неча марта солиқлардан озод этган, айрим солиқ турларини

батамом бекор қилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан англашиладики, Амир Темур донишманд, тадбиркор давлат арбоби сифатида ўз давлатида адолатли солиқ тизимини жорий этган ва бунинг самараси туфайли давлатнинг иқтисодий кудрати ошиб борган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Амир Темур тузуклари. – Т.: Чўлпон, 1991. – Б. 89.
2. Soliq nazariyasi: O'quv qo'llanma / Mual.: A. Jo'rayev, O. Meyliyev, G'. Safarov. – Т.: Toshkent moliya instituti, 2004. – В. 10.
3. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи – Т.: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 292.
4. Муҳаммаджонов А. Амир Темур ва Темурийлар салтанати. – Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1994. – Б. 65.